

ISSN 2181-5291

PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 4, 2021

www.psixologiyabuxdu.uz





Метод Келлермана можно оценивать и исследовать на основе восьми критериев (отрицание, исключение, регрессия, компенсация, проекция, смещение, когнитивный, компенсация). Социально-психологические показатели психологической защиты спортсменов: «внутренний», «внешний», типы личности и «демонстративный», «педантический», «утопающий», «возбужденный», «гипертимический», «дистимический», «тревожный». определяется и оценивается проявлением таких черт личности, как «циклотимичность», «аффективность», «эмоциональность». Улучшая факторы психологической защиты, спортсмены могут добиться снижения негативных черт, таких как аффективное состояние, эмоциональная привязанность, незащищенность, депрессия, быстрое и правильное принятие решений в краткосрочной перспективе, самоконтроль, уверенность в себе, самоконтроль[3].

Литературы:

1. Баротов Ш.Р. ва бошқ. Экспериментал психология. – Магистрлар учун ўкув қўлланма. – Т.: Фан нашриёти, 2008. – 108 б.
2. Собиров А.А. «Социально-психологические механизмы формирования возможностей психологической защиты у спортсменов» Вестник интегративной психологии -2021.-№22.- Стр.189-192. Ярославль
3. Адлер А. Индивидуальная психология /А.Адлер. – М.: Прогресс, 1986. – 379 с.



*Тилков Мухтар Ҳасан ўғли,
Бухоро давлат университети, Психология кафедраси
ўқитувчиси,*



*Болтаев Суннат Баҳтиёр ўғли,
Жисмоний маданият факултети талабаси,*

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ МОТИВАЦИЯСИНинг ЭТНОПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҮРГАНИШ ДАСТУРИ ВА ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Аннотация: Уишиб мақолада тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг этнопсихологик хусусиятларини үрганиши дастури ва тадқиқот натижалари тўғрисида сўз боради.

Калим сўзлар: Бозор, Биз нес, Муносабат, жамият-фуқаро, тадбиркор, Таваккалчилик қобилияти, таваккалга тайёрлик, номус, обру-эътибор, Мулкдор, Капитал, маош, Бошқарии.

Аннотация: В статье рассматриваются программа и результаты исследования этнопсихологических особенностей предпринимательской мотивации.

Ключевые слова: рынок, бизнес, отношения, общество-граждандин, предприниматель, склонность к риску, готовность к риску, честь, репутация, собственник, капитал, зарплата, менеджмент.

Abstract: The article examines the program and the results of the study of ethnopsychological characteristics of entrepreneurial motivation.

Key words: market, business, relations, society-citizen, entrepreneur, propensity to take risks, willingness to take risks, honor, reputation, owner, capital, salary, management.



Ижтимоий психологияга доир қатор адабиётларда – шахс – ижтимоий муносабатлар маҳсули дейилади ва асосий сабаб сифатида, унинг доимо инсонлар даврасида ҳамда улар билан ўзаро таъсир доирасида бўлиши кўрсатилиди. Ушбу ҳолат шахснинг энг етакчи ва нуфузли фаолиятларидан бири мулоқот эканлигини тасдиқлайди. Ҳар бир нормал инсон ўзгаларни тинглашга, ўз фикрини бирорларга етказишга, яъни гапиришга, фикрларини баъзан ёзма тарзда баён этишга тугма қобилиятидай ўзини тасаввур қиласди. Лекин ана шу бирорларни тушуниш ва ўз фикрларимиз, ўйларимизни бирорларга етказа олиш қобилияти аслида бизнинг инсоний муносабатлар тизимида эканлигимизни, ҳар биримиз ўзимизга ўхшаш инсон жамиятисиз мавжуд бўла олмаслигимизни билдиради.

Мустақил Ўзбекистонда бозор муносабатларининг барқарорлашуви, иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, одамларда меҳнатга, моддий неъматларга муносабатларнинг ўзгаришини тақозо этади. Кичик ва ўрта бизнес, оиласибий бизнес, фермерлик ҳаракати, қўшма корхоналарда тадбиркорликнинг самарали усулларини жорий этиш, ушбу фаолиятга имкон берувчи шахс сифатларини тарбиялаш, одамлар тафаккурида янгича қарашларни шакллантириш психологиянинг муҳим масалаларидан ҳисобланган мотивация муаммосини изчил илмий асосда ўрганишни тақозо этади.

Рус олими профессор А.А.Криловнинг ёзишича, инсон илк ёшлик давриданоқ мураккаб иқтисодий муносабатлар доирасида ва таъсирида бўлади. Илк болалиқданоқ, у олди-сотти, алмашиниш муносабатларида бўлади ва ҳар доим танлов асосида иш юритади. Ҳаёт инсонларни харид қилиш, ўйқотиш, ортириш, иш кучини табиий ва нотабиий рағбатларга алмаштириш ва бунда фойдалироқ, керакли, самаралисини танлашга ўргатади. Танловнинг натижаси эса - фойда ва ўйқотишлар ҳисобланади, таққосланади, қанча сарфланган (куч, вақт, қобилият, пул) ва олинган манфаат (ишланган ҳак, фойда), шунингдек ўз эҳтиёжи ва кизиқишилари учун сарфланган ўйқотишларга ҳам тааллуклидир. Оддий кўрингани билан, бу иқтисодий жараёнлар қийин, сирли ва ўзига хос илмий изланишни талаб этади.

Шундай қилиб, А.А.Криловнинг таърифика, иқтисодий психология -хўжаликни бошқарувчи субъект психологиасидир.

Иқтисодий психология тарихига назар ташласак (139; 547-548), иқтисодий ва психологик қонуниятларнинг асосланишида бир қатор буюк иқтисодчилар томонидан ўзига хос улуш қўшилганини кўришимиз мумкин. Адам Смит (1723-1790) иқтисодиётнинг мустақил фан сифатида шаклланишига асос солган, Альфред Маршалл (1842-1924) микроиктисодиёт назариясини, Жон Кейнс (1883-1946) макроиктисодиёт назариясининг муаллифларидир. Бу олимлар меҳнати самарасида «иктисодчи инсон» назарияси вужудга келиб, унга кўра, фаолият мақсади самарали натижага, фойда олишга қаратилган бўлади. Концепциянинг алоҳида хусусиятларидан бири «иктисодий эгоизм», максимал даражадаги шахсий фойда олиш учун уриниш саналади. Шунинг учун «иктисодчи инсон» гояси бир мунча вақт янги шаклларни қабул қилган ҳолда қотиб қолди.

Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги» қонуни, «Иқтисодий ислоҳотлар концепцияси» ҳамда Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлашнинг миллий Дастири ғоялари, иқтисодиётни эркинлаштириш, ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни чукурлаштириш, миллий истиколол мағкураси мазмунини ташкил этган фикр ва ғоялари ташкил қиласди. Бундан ташқари гарб психологиасидаги ижтимоий тасаввурлар концепцияси (С.Московиси, Ж.Кодол, А.Донцов, Т.Емельянова ва бошқалар), гарб ва америкалик психологларнинг муваффақиятга эришиш мотиви назарияси (Д.Маклеланд, Д.Аткинсон ва немис олими Х.Хекхаузен) ҳамда Россия психологарининг шахснинг фаолиятда шаклланиши назариялари (Л.Виготский, Д.Эльконин, А.Леонтьев, Г.Андреева ва бошқалар), ўзбек олимларининг ижтимоий-иктисодий соҳани тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқкан назарий ёндашувлари (В.Каримова, С.уломов, Ф.Шоумаров, Э.Фозиев, Ҳ.Лутфуллаев, Ш.Баратов, Д.Ахмедов, М.Давлетшин ва бошқалар) ҳам хизмат қилди.

Тадбиркорлик фаолиятини самарадорлигини таъминловчи ички психологик омилларнинг конкрет ижтимоий-психологик шарт-шароитларга ҳамда шахсдаги устивор мотивация, установкаларга боғликларини илмий методлар ёрдамида ўрганиш, шу асосда бугунги ёшлардаги тадбиркорлик мотивациясининг реал психологик механизmlарини ўрганиш мақоламизнинг илмий мақсади ҳисобланади.



Мақола мақсадини амалга ошириш учун бир қатор вазифалар белгилаб олинди:

1. Иктиносидий психология, тадбиркорликнинг Ўзбекистон шароитида ривожланишини ва шахс мотивацион структурасини ўрганишга бағишиланган илмий адабиётларни тахлил қилиш, ишнинг методологик асосларини белгилаш ва тадқиқот дастурини тузиш;
2. Эмпирик объектларда тадбиркорликка мойиллик ва ишбилармонлик мотивациясини аниклаш;
3. Шахснинг таваккал қилиш даражасини аникловчи этнопсихологик методикалар ишлаб чиқиши ва уларнинг мослаштирилган варианtlарини амалиётда синаш;
4. Тадбиркорлик мотивациясининг шахсдаги таваккалчилликка мойилликка боғликигининг корреляцион даражасини аниклаш;
5. Танланган объектда комплекс эмпирик тадқиқот ўтказиш;
6. Эмпирик натижаларни статистик ва коррелацион таҳлил қилиши.

Мақолада күйидаги илмий тахминлар илгари сурилиши мумкин: шахсдаги тадбиркорликка лаёқат ва мойиллик ундаги ижтимоий-психологик установкаларга ҳамда муваффақиятта нисбатан мотивациянинг кучига, конкрет шарт-шароитларда бу кучнинг намоён бўлишига боғлиқ бўлиб, уларнинг мотивацион кучи ва кўринишлари шахснинг ижтимоий хулқида ва мулоқот жараёнида шаклланадиган сифатларида кўринади. Тадбиркорлик мотивацияси шахса устивор бўлган эҳтиёжларга, энг аввало ундаги ижтимоий эҳтиёжларга, шунга мос тарзда асосий фаолият турларига намоён бўладиган таваккалчилик даражасига боғлиқ бўлиб, айни ёшлик даврларида бундай мойилликнинг даражаси ўртачадан юқори бўлганда самара беради. Ўзига ишончнинг бўлиши ва таваккалчилик этнопсихологик хослика эга бўлиб, уларнинг намоён бўлишида ижтимоий борлиқ ва ундаги нормаларнинг таъсири кучлироқдир. Тадбиркорликка мотивацияни маҳсус таълим-тарбия шароитларида мувофикаштириш, ривожлантириш ва мақсадга мувофиқ тарзда йўналтириш мумкин. Бунинг учун тадбиркорлик психограммаси мавжуд бўлиши, унда маҳаллий шарт-шароитлар, менталитет ва моддий ҳамда маънавий бойликларга шахсий муносабатлар инобатга олиниши керак.

Методика: Тадбиркорлик психологияси асосан ўзининг соғ ўзига хос методларига эга эмас. Психологиянинг бошқа тармоклари каби у ҳам умумий методлар захирасидан фойдаланиб, ўз тадқиқотларини ўтказади.

Шунинг учун, биз тадқиқот илмий салоҳиятини ошириш ва ишончлилик даражасини кўтариш мақсадида тадқиқот дастуримизда бир қатор ишчи фаразларни илгари суришни мақсадга мувофиқ топдик

Биринчидан, муваффақиятга интилишлари анча яхши бўлғанларнинг таваккалчиликка мойилларни ўртача бўлиши мумкин.

Иккинчидан, маглубиятдан кўрқадиганлар эса таваккалчиликнинг ё ўта кичик, ё ўта юқори даражасини танлашлари мумкин.

Учинчидан, агар синаловчиларда муваффақиятга интилиши қанчалик кучли бўлса, унинг таваккал қилиши камроқ бўлиши, ва шу билан бир қаторда ютиб чиқишига ишончи ҳам унчалик кучли бўлмаслиги мумкин.

Тўртинчидан, муваффақиятга эришиши мотивацияси жуда кучли бўлган одамлар таваккалчилар бўлиши ва улар баҳтсиз ҳодисаларни жуда кам бошдан кечиришлари, ҳамда уларда мағлубиятдан қочиш масаласи ҳам кучли бўлиши мумкин.

Бешинчидан, агар ҳимоя инстинкти юқори бўлса, бу унинг муваффақиятга эришишига кўпинчағоғ бўлиши, натижада тадбиркор олдига юқори масалар қўя олмаслиги мумкин.

Тадқиқот амалга оширишда кўзда тутилган илмий фаразлари ҳамда тадқиқот дастурода назарда тутилган кўшимча ишчи фаразларни исботлаш мақсадида Элерснинг «Маглубиятдан қочиш мотивациясини диагностика қилиш», «Муваффақиятга эришиш мотивациясини диагностика қилиш» ва Шубертнинг «Таваккалчиликка тайёрлик даражасини аниклаш» ҳамда «Шахсдаги асосий эҳтиёжлардан қониқсанлик даражасини аниклаш» методикаларидан кенг қамровли фойдаландик.

В.В. Исаевнинг қайд этишича – шахс маркетинги – бу шахснинг эҳтиёжларини оқилона қондириш, унинг имкониятларини тахлил қилиш учун муайян шахснинг фикри ва / ёки хулқатвортларини яратиш, сақлаш ёки ўзгартириш учун қабул қилинган қоидалар тўпламини аниклашга қаратилган фаолиятдир


3. Ахборот – индивидуалликда баҳоланадиган типологик хусусиятлар, шахсий тажриба, индивидуал хотиралар ва самарадорликни мужассамлаштирувчи семантик майдон;

4. Борлиқ – шахс қобилиятлари, характеристи, темпераменти ва йўналганлигини тизимлаштирувчи семантик майдон.

Ўзаро алоқаларга оид мавжуд қарашларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ягона концептуал модел бўлмаганлиги учун ҳар бир тадқиқотчи ушбу ҳодисани турли томондан тавсифлайди. Олимлар кўпинча бир хил атамалардан фойдаланишган бўлишса-да, лекин тушунчанинг мазмунида бошқа психологик маъно мужассамланганлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Лекин шундай бўлса-да, сўнгги пайтларда қатор тадқиқотчилар (Г.М. Андреева, А.А. Бодалев, М.С. Каган, Б.Ф. Ломов, Б.Д. Паригин, Я. Яноушек ва бошқалар) ўзаро таъсир ўтказиш жараёнининг функционал ва даражали ташкил этилиши ҳақида гояларни ишлаб чиқишган.

“Сотувчи-харидор” истеъмолчи хатти-харакатини ўрганишда қўлланиладиган усул ва услублар

Умумиллийусуллар	Аналитик башоратлаш усуллари	Мотивларни тадқиқ этиш усуллари	Дастлабки маълумотларни йиғиша қўлланиладиган усуллар
<ul style="list-style-type: none"> - тизимли таҳлил; - комплекс ёндашув; - дастурий мақсадли режалаштириш. 	<ul style="list-style-type: none"> - ҷизиқли дастурлаш; - оммавий хизмат кўрсатиш назарияси; - алоқа назарияси; - эҳтимоллар назарияси; - иқтисодий-математик усуллар; - эксперт баҳолаш. 	<ul style="list-style-type: none"> - теран сўров; - проекцион шакл. 	<ul style="list-style-type: none"> - танлаб-кузатиш; - тажриба-синов; - танлаб-текшириш; - анкета сўрови.



Бу усуллардан ташқари мотивларни тадқиқ этиш бевосита савол бермасдан туриб, шу типдаги бизни қизиқтирган саволларга маълумот олишдек ўзига хос санъат ҳисобланади. Шу



мақсадлар учун билвосита йўллар билан ахборот олишда нозик усуллар мажмуасидан фойдаланилади. Тест-топшириқ, тест-сўров, проектив тестлар, проекцион шакллар худди шундай усуллар сирасига киради.

Маркетинг психологияси тадқиқотларида қўлланиладиган “Проекцион шакллар” усулининг мақсади сотувчи ёхуд харидорнинг маънавий оламига кириб бориш, тадқиқ этилувчи бозор муносабатлари субъектлари (сотувчи- харидор)нинг хатти-харакатлари мотивларини ўрганишдан иборатdir.

1. Тадбиркорлик мотивацияси ёшлардаги иқтисодий тафаккур ва онг тушунчалар, ҳистийгулар, миллий характерини мақсадга мувофиқ шакллантиришда ўзига хос микромухитни (мулкдорлар синфи мисолида) ва микромухитни (мулкдор онги ва тафаккуридаги ўзгаришларни) акс эттиради.

2. Муваффақиятга эришиш ва мағлубиятдан қочиш мотивацияларининг вужудга келиши, мазмуни, таваккалга тайёрлик даражаси билан бир-биридан фарқ қилишига қарамай, уларнинг барчаси шахсда тадбиркорлик мотивациясини шакллантиришнинг зарур шарти сифатида унинг тараққиётида иштирок этади, турлича ёндашишни, яхлитликни таъминлайди. Худди шу сабабдан уларни алоҳида-алоҳида ўрганиш мумкин эмас, чунки уларда мотивацион, эмоционал-иродавий, баҳолаш, назорат аспектлари уйгуналашган бўлиб, ўзаро узвий боғлиқликда хукм суради.

3. Тадбиркорлик мотивацияси шаклланиш жараёнидаги маҳсус ижтимоий тренинглар ва фаол тайёргарлик методлари ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий онг ва тафаккур кўламини кенгайтириб, уни ижтимоий объектларга нисбатан баҳолар бериш мазмунига таъсир кўрсатади. Шахсдаги фаоллик ва баҳолаш тизими у ишлатадиган вербал воситаларнинг кучидаги мувофиқлик ижтимоий установкалар йўналишини белгилайди.

Адабиётлар:

1. Абрамова Г.С. Сборник задач по социальной психологии и психологии развития: Учеб. пособие для студ. Вузов. - М.: Издательский центр «Академия», 1999. - 144 ст.
2. Большой толковый психологический словарь / Ребер Артур (Penguin). Том 1 (А-О): Пер. с анг. - М.: Вече, АСТ, 2000. - 592 ст.
3. Войтов А.Г. Самоучитель мышления. - М.: Информационно-внедренческий центр «Маркетинг», 1999. - 408 ст.



3	Баратов Шариф Рамазонович Психолог хизмат ижтимоий – психолог муаммо сифатида
9	Хусейнова Абира Амановна Ўзбекистонда оиласларнинг мустаҳкамлигига қаратилган ижтимоий-демографик тадқиқотлар ва оиласнинг ижтимоий функциялари
15	Усманова Манзура Наимовна Эмпирическое исследование темперамента личности в профессиональной деятельности педагога
22	Собирова Дилафуроз Абдуразикова Тиббиёт ходимларида ижтимоий компетенция омилларини шаклланишнинг ижтимоий-психологик асослари
28	Назаров Акмал Мардонович, Нурсатова Мехринисо Бахшишллоевна Спортчи талабаларда психологик ҳимоя механизмларини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг ўзига хос усуслари
32	Олимов Лазиз Ярашович, Махмудова Зулфия Мехмоновна Стрессли вазиятларда психологик ҳимоя механизмлари ва копинг хулқ-автор намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари
40	Жумаев Улугбек Сатторович Параметры межкультурных различий: теории Г.Хофстеде
45	Останов Шухрат Шарифович Талабаларда креативлик хусусиятларини намоён бўлишининг ўзига хос психологик жиҳатлари
49	Рустамов Шавкат Шухратович Амалиётчи психологларнинг математик касбий компетентлигини касбий фаолият доирасида тадқиқ этилиши
53	Nazarova Manzura Mustafo qizi Globallashuv jarayonida milliy til omili
58	Ахмедова Зарина Джамиловна Ўсмирларда жиноят мотивлари шаклланишини ўрганиш психологик тадқиқот муаммоси сифатида
62	Аъзамова Махлиё Абдурахимовна Махаллада психологик хизмат қўрсатишнинг эмпирик асослари
67	Остонов Жасур Шониржонович Ўсмирларда психологик ҳимоя ва копинг хулқ-автор омиллари намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари
76	Собиров Абдулазиз Абдуразикович Психологические защитные факторы проявляющийся у спортсменов
80	Тилавов Мухтар Ҳасан ўғли, Болтаев Суннат Баҳтиёр ўғли Тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг этнопсихологик хусусиятларини ўрганиш дастури ва тадқиқот натижалари
85	Рўзиев Умар Музаффарович



	Ўспириналарда ижтимоий фобия намоён этилишининг психологик белгилари
89	Ҳакимова Фазолат Хошимовна Мослаша олмаслик хусусиятларининг мактабгача ва кичик мабтаб ёшидаги болаларда турли психологик кўринишлари
92	Ғайбуллаев Алишер Асадович Спортчиларда ҳиссий-иродавий сифатлар шаклланишининг психологик механизmlари
96	Турахонов Абдукарим Эшқузиеевич Касбий масъулият ва шахслик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик жиҳатлари
104	Кулиев Ёркин Каримович Психологические особенности саморазвития преподавателей учебных заведений
108	Ermatova Gulnoz Pirimovna Mutafakkirlarimiz asarlarida xalq og`zaki ijodiyoti asosida bola sotsial intellektini shakllantirish masalalarining yoritilishi
114	Қабулов Қосимбай Пиржонович, Касб танлаш мотивациясининг ижтимоий-психологик хусусиятлари
118	Ахмедова Максуда Лочиновна Ўкувчиларда ўзбек мусиқа фольклор хақидаги тасаввурларни шакллантиришнинг психологик имкониятлари
	ҚУТЛОВ
121	Баротова Диляфруз Шарифовна